ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРГУНБОЕВ ФАРХОД ЮСУПЖАНОВИЧ

ГАФНИЙ ЁКИ ЦИРКОНИЙ АТОМЛАРИ ВА ПАРДАЛАРИНИ МЕТАЛЛ-БАРИЙ ВА МЕТАЛЛ-КИСЛОРОД-БАРИЙ СИСТЕМАЛАРИНИНГ ЭМИССИОН ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ

01.04.04 - Физик электроника

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2018

УДК: 537.333.7.8

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физика-математическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

Тургунбоев Фарход Юсупжанович
Гафний ёки цирконий атомлари ва пардаларини металл-барий ва металл-кислород-барий системаларининг эмиссион хоссаларига таъсири ……. 5

Тургунбоев Фарход Юсупжанович
Влияние атомов и пленок гафния или циркония на эмиссионные свойства систем металл-барий и металл-кислород-барий ……...25

Turgunbaev Farkhad Yusupjanovich
Influences of hafnium or zirconium atoms and films to the emission properties of the metal-barium and metal-oxygen-barium systems…….45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……....49

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРГУНБОЕВ ФАРХОД ЮСУПЖАНОВИЧ

ГАФНИЙ ЁКИ ЦИРКОНИЙ АТОМЛАРИ ВА ПАРДАЛАРИНИ МЕТАЛЛ-БАРИЙ ВА МЕТАЛЛ-КИСЛОРОД-БАРИЙ СИСТЕМАЛАРИНИНГ ЭМИССИОН ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ

01.04.04 - Физик электроника

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2018

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/FM22 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.iplt.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Турсунметов Комилжон Ахметович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Умирзаков Болтахужа Ерматович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Исаханов Зийнабиддин Абилпайзиевич физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (998-71) 2623254, e-mail: info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (998-71) 2623254.

Диссертация автореферати 2018 йил «__ » _____ куни тарқатилди.
(2018 йил « ___ »_____даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Б. Ашуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

Д.Т. Усманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Б.Е. Умирзаков
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда жадал ривожланаётган физик электроника соҳасида долзарб бўлган муаммолардан бири кўп нурли электрон асбобларни яратиш ва уларни мукаммаллаштиришнинг физик асосларини тадқиқ қилишдир. Бу ҳолда кичик-микроўлчамли кўп сонли электронлар оқимини ҳосил қилувчи системаларни яратиш, улар ишлашининг физик асосларини аниқлаш ва амалда синаб кўриш бугунги кунда муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг етакчи давлатлари Россия, Америка, Хитой, Японияда космик ва ҳарбий техникада қўлланувчи махсус кўп нурли параметрик кучайтиргичларни ишлаб чиқиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунинг учун юқори космик ва ҳарбий техникада қўлланилувчи махсус кўп нурли параметрик кучайтиргичлар учун юқори самарали, термостабил антиэмиссион материаллар ишлаб чиқиш, унинг физик принципларини аниқлаштириш, ишлаш маромини аниқлаш муаммоларини ҳал қилиш зарур ва шунинг учун ҳам бу илмий ва илмий-технологик муаммолар ушбу тадқиқотнинг асосини ташкил қилиб, унинг муҳимлигини асослайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида ҳам физик электроника соҳасида физик кимёвий жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганишга имкон берувчи электрон асбоблар ишлаб чиқилди ҳамда назарий фундаментал аҳамиятга эга бўлган тадқиқотлар олиб борилди. Янги, мукаммаллашган соҳа ва хусусиятга эга бўлган нанокиришмали ва структурали материаллар яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда физик электрониканинг замонавий материалшунослик ва асбобсозлик ҳамда технологияларини яратиш ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, кўп нурли махсус параметрик кучайтиргичларда микроўлчамли кўп сонли электрон дасталар олишга имкон берувчи антиэмиссион материаллар олиш ҳамда уларнинг стабил ишлашини физик шарт-шароитини аниқлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-49-47-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот

республика фан ва технологиялари ривожланишининг III. «Энергетика, энергоресурс тежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги ривожланиши» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар илмий тадқиқотлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг изланишларида асосан қалин қатламли Hf, Zr, Ti, Mo, B ва Re пардаларининг антиэмиссион хосса ва хусусиятлари ўрганилган. АҚШ олимлари A.N.Curren, B.T.Ebihara, S.Peet катод юзасига тўр ўрнатиш орқали кўп нурли оқим олиш ва уни қўллаш асосида кўп нурли электрон асбоблар яратишган. Россия олимларидан Б.Ч.Дюбуа, Ю.В.Гурков, А.Камерцель, Н.Н.Чубун, И.Б.Бутенко Hf, Zr,Ti нинг 10–20 мкм қалинликдаги пардаларининг термоэмиссион катод юзаларида антиэмиссион хоссаларини аниқлашган ва Hf ни антиэмиссион материал сифатида қўллашни тавсия қилишган. Ўзбек олимларидан Г.Н. Шуппе, У.В.Азизов, К.А.Турсунметов, Н.А.Горбатий қийин эрийдиган металлар сиртида Ba ва кислород атомларининг адсорбциясини ўрганишган. К.А.Турсунметов ва Ю.В.Гурков томонидан қалин (10–20) гафний пардалари амалиётда антиэмиссион қоплама сифатида синаб кўрилган. Лекин юпқа металл пардаларининг антиэмиссион хоссалари, термостабиллиги ва ишлашининг физик тамойиллари тадқиқ қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг 02-07-сон «Қийин эрувчи металл ва унинг қотишмаларини эмиссион, адсорбцион ва фотоэмиссион хоссаларини тадқиқ қилиш» (2015–2018) илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади термокатодлардан кўп сонли электрон нурини олишга имкон берувчи антиэмиссион материалларни яратиш, уларнинг юпқақатламли пардаларининг эмиссион хусусиятлари ва термобарқарорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўта юқори вакуум ҳосил қилувчи «бутунлай металл» қурилмани модификациялаш, МХ-7304 масс-спектрометр анализаторини намунага 6-10 мм масофагача яқинроқ ўрнатиш, Оже-спектрометрдаги кучланиш тақсимоти электрон системасини ўрнатиш ва шу асосда кучланишнинг тўғри ва тескари йўналишларида берилган тезликларда ўзгаришини таъминловчи системани яратишга эришиш;

тоза ва оксидланган гексагонал панжарали Ti, Hf, Zr ларнинг барий атомлари оқимидаги термоэлектрон эмиссиясини қиёсий ўрганиш ҳамда уларнинг эмиссион хоссаларини W-O-Ba ёки Nb-O-Ba системаларнинг хоссалари билан таққослаб, антиэмиссион материалга қўйиладиган талабларга жавоб берувчи металларни аниқлаш;

антиэмиссион металл пардаларининг тоза, оксидланган ғовак, вольфрамнинг поликристалл ва монокристалли (110) юзаларида барий

атомлари оқимидаги термоэлектрон эмиссияси ва унинг антиэмиссион қоплама сифатида қўлланишининг физик аспектларини ўрганиш;

Zr ва Hf юпқа пардаларининг поликристалл ва монокристалл W (110) юзаларидаги термостабиллигини термоэмиссион ва Оже-электрон спектроскопия (ОЭС) усулларида ўрганиш. Уларнинг термостабил бўлиш шарт-шароитларини ҳамда уларни термокатодлар учун антиэмиссион материал сифатида қўллаш имкониятларини аниқлаш;

Zr ва Hf атомлари пардаларининг W (110)-Ba ва W (110)-O-Ba системаларида антиэмиссион парда сифатида шаклланиш жараёнини ўрганиш ва унинг антиэмиссион парда сифатида шаклланишининг физик механизмларини аниқлаш;

антиэмиссион пардаларнинг металл-ғовак термокатод юзасида стабил ишлашининг физик ва технологик аспектларини аниқлаш ҳамда амалий ва технологик тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Zr, Ti, Hf, Nb, W поликристаллари, W(110) монокристалл ҳамда металл-ғовак термокатоднинг асоси вольфрам-ғовак таблеткалар шаклидаги намуналардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети металлар, ғовак-металлар ҳамда улар сиртидаги юпқа пардаларнинг эмиссион ва адсорбцион хусусиятлари ва юпқа – нано қалинликдаги антиэмиссион пардалар шаклланишининг физик механизмларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда термоэлектрон эмиссиянинг тўла ток усули, контакт потенциаллар фарқи, ОЭС, масс-спектрометр, оксидлаш, адсорбция ва десорбция, электрон микроскопия каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оксидланган Ti, Zr, Hf ларнинг Ba атомлари оқимидаги термоэлектрон эмиссияси асосида антиэмиссион материалларига қўйилган талабларга Zr ва Hf лар жавоб бериши аниқланган;

Zr, Hf ҳамда Ti юзаларида Ba атомларининг адсорбцияси асосида Hf-Ba тизими учун чиқиш ишини Ba концентрациясига боғлиқлигини эксперимental ва назарий ифодалари аниқланган;

Zr пардаларининг антиэмиссион қоплама сифатида металл-ғовак термокатодлари учун қўллаш мумкинлиги ҳамда Hf, Zr атомларининг W(110) юзасидан буғланиш тезлигининг ҳароратга боғлиқлиги аниқланган;

Zr атомлари пардаларининг W(110)-Ba ва W(110)-O-Ba тизимида антиэмиссион парда сифатида шаклланиш жараёнида пардаларнинг қалинлиги 4-5 моноқатламлар бўлгандагина кислороднинг Ba адсорбциясига таъсири бўлмаслиги аниқланган;

Ba-компоненталарнинг Mo юзаси бўйлаб миграция узунлигини ҳароратга ва кислород босимига боғлиқлик қонунияти эксперимental аниқланган;

металл-ғовак катод асоси – W-губканинг юза ҳусусиятлари юқори ҳароратларда (≤2000 К) давомий қиздириш унинг юзасидаги ғоваклар

беркилишига, бу эса металл-ғовак катодларнинг ишдан чиқишига олиб келиши аниқланган;

илк бор CsCl шимдирилган металл-ғовак тизимининг термоэлектрон эмиссиясини кузатилган ва уни 1100 К кичик ҳароратларда термокатод сифатида қўллаш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эксперимент натижаларига кўра оксидли ва металл-ғовак термокатодлар учун Zr ва Hf пардаларини антиэмиссион қоплама сифатида қўллаш мумкинлиги аниқланган. Пардаларнинг қалинлиги 5 ва ундан ортиқ моноқатлам бўлгандагина антиэмиссион хоссага эга бўлиши кўрсатилган;

металл-ғовак термокатодлар юзасининг нотекислиги механик ва кимёвий ишлов берилганда 3-5 мкм, ион дастасида емирилганда 2-3 мкм эканлигини ҳисобга олган ҳолда антиэмиссион қопламаларнинг қалинлиги танланиши кераклиги таъкидланди. Қалинлиги ~1,5 мкм бўлган антиэмиссион қопламанинг эмиссион ва термостабиллиги ўрганилиб, уларни замонавий барча, шу жумладан, металл-ғовак термокатодларда қўллаш мумкинлиги кўрсатилган;

илк бор CsCl шимдирилган металл-ғовак система ўрганилиб, уни T<1100 К температураларда Cs атомлари манбаи ҳамда термокатод сифатида қўллаш мумкинлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий ўлчаш усуллари комплекси ва натижаларини қайта ишлашда бир-бирига боғлиқ бўлган тажриба ҳамда олинган эксперимент натижаларининг бошқа муаллифларнинг илмий хулосаларига мос келиши, шунингдек, олинган материалларнинг микроскопда кўрилганлиги ҳамда амалда синаб кўрилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда цирконий ва гафний атомларининг юпқа пардаларининг термокатодлар учун антиэмиссион қоплама сифатида қўллаш мумкинлигининг физик ва техник аспектлари аниқлангани, уларнинг термостабил ишлаш шарт-шароитлари, уларда барий ва кислород-барийларнинг кучсиз адсорбцияси илмий асосланган билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сифатида шуни таъкидлаш лозимки, антиэмиссион материалларни модификацияланган кўп нурли электрон параметрик кучайтиргичларда, ўзгармас токни ўзгарувчан токка айлатириб берувчи цезийли ва барийли ўзгартиргич тўрларида қўллаш юқори техник ва параметрик самара беришга хизмат қилади. Шунингдек, ЛБВ, ЛОВ, клистронларда (анод) қопламаларида Zr ёки Hf антиэмиссион пардаларининг қўлланилиши уларнинг фойдали иш коэффицентини оширишга олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Антиэмиссион материалларни аниқлаш, уларнинг стабил ишлаш физикавий шарт-шароитларини аниқлаш тадқиқоти асосида:

қийин эрийдиган металларнинг (W, Nb, Hf, Zr ва Ti) юзасини кислород атмосферасида эффектив тозалаш технологиясининг самарали бўлиши ҳамда юпқа металл пардаларнинг структураси ва термобарқарорлиги «FOTON» акциядорлик жамиятида материаллар юзасини тозалашда, шунингдек кўп қатламли плёнкалар хосил қилишда қўлланилган («ЎЗЭЛТЕХСАНОАТ» акциядорлик компаниясининг 2018 йилдаги 19 сентябрдаги 02-2017-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш кўп қатламли плёнкалар системасининг структураси ва термобарқарорлигини назорат қилиш имконини берган;

қийин эрийдиган металлар юзасини нисбатан қисқа муддатда қислород атмосферасида оксидлаб тозалаш самарали усули, юпқа пардаларнинг структурасини шаклланиши ва термик барқарорлиги ва CsCl шимдирилган Cs манбаларини бир вақтда термокатод сифатида қўллаш усуллари Ф2-ФА-Ф161 рақамли «Эркин юпқа пленкалар (Al, Cu, Ag, ва Cu-Si) ва массив кристаллар (W, WOn, TiN, CdTe ва SiO_2) юзасида ион имплантацияси усули билан ҳосил қилинган наноўлчамли гетероструктураларнинг шаклланиш механизмлари ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш» ва ОТ-Ф3-13 рақамли «Кремний–силицид–металл эркин кўпқатламли наноплёнкали структураларнинг шаклланиш механизмлари ва уларнинг электрон ва кристалл структураларини ўрганиш» мавзусидаги илмий лойиҳаларда юза сифатини яхшилашдв қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 6 августдаги 2/1255-2070-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш тизимларнинг сифатини яхшилаш, пардалар структураси ва юпқа пардаларнинг мукаммаллик даражасини назорат қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий анжуманида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 8 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика ва фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий ахамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий

қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Мавзу бўйича чоп этилган адабиётлар таҳлили»** деб номланган биринчи бобида қийин эрувчи металларнинг эмиссион ва адсорбцион хусусиятлари бўйича олиб борилган назарий ва амалий ишлар таҳлил қилинган. Шунингдек, физадсорбция ва хемадсорбция жараёнлари таҳлил қилиниб, улар рўй беришини илмий шарт-шароитлари таҳлилий ёритилган.

Қийин эрувчи металлар сиртида ишқорий-ер металлар атомларининг адсорбцияси бўйича экспериментал ишлар натижалари таҳлил қилинган. Унда адсорбция жараёнида системанинг чиқиш иши сиртнинг қопланиш ва тозалик даражасига, сирт структурасига боғлиқлик аспектлари таҳлилий ёритилган.

Шунингдек, кислороднинг металл билан ўзаро таъсири бўйича чоп қилинган илмий ишлар ва адабиётлар таҳлил қилинган. Унда металл-кислород (Me-O) системасининг термостабил ва вакуумда ҳамда юқори температуралар (катодларнинг ишчи температуралар)да ҳосил бўлувчи турлари аниқланган.

Металл-кислород-барий (Me-O-Ba) системаларининг эмиссион хоссалари бўйича чоп қилинган эксперимental ва назарий илмий ишлар таҳлил қилинган. Унда системанинг чиқиш иши оксидланиш даражаси ва маромига ҳамда таглик-асос металл структурасига боғлиқлиги аниқланган. Унда таглик металл ҳажмий марказлашган куб (ХМК-ОЦК) панжарада кислород атомлари Me-Ba системасининг чиқиш ишини 1,20-1,25 эВ гача камайтириши кўрсатилган. Гексагонал зич жойлашган (ГЗЖ-ГПУ) панжарали таглик-металда кислород атомлари Me-Ba системасининг чиқиш ишига кучсиз таъсири асосланган. Шу асосда ГЗЖ панжарали металлар: Ti, Zr, Hf ларни антиэмиссион материал сифатида қўллаш ғояси илгари сурилди.

Антиэмиссион материаллар пардаларининг термостабиллиги термокатод юзасида кўп сонли стабил электрон оқимларини олиш ёки керакли конфигурацияли стабил электрон дастасини ҳосил қилишда асосий роль ўйнайди.

Қалин пардаларда микроўлчамли аниқ геометрияли «тирқиш» – «кўзлар» ҳосил қилиш муаммо эканлигини ҳисобга олган ҳолда, технологик осонроқ ва нисбатан арзон металл-цирконийнинг кичик-наноқатламли пардаларини антиэмиссион материал сифатида тадқиқ қилиш, унинг термостабил ишлаш шарт-шароитларини аниқлаш мазкур ишнинг асосий мақсади қилиб белгиланган.

Диссертациянинг **«Эксперимент методикаси»** деб номланган иккинчи бобида қаттиқ жисмлар сиртининг эмиссион ва адсорбцион хоссаларини тадқиқ қилиш экспериментал қурилмасининг тузилиши, имкониятлари баён қилинган. Бутунлай зангламайдиган ва магнитланмайдиган пўлатдан ясалган қурилмада цеолит, магниторазряд ва СОН насослари қурилмада $1 \cdot 10^{-9}$ Тордан кичик босим ҳосил қилишга имкон беради.

Қурилма 2 тадан 4 тагача намунани бир йўла юқори вакуумда ва юқори ($T \leq 2100\ K$) температураларда тадқиқ қилиб, уларнинг термоэлектрон эмиссия ва адсорбция хоссаларини ўрганишга имкон беради. Қурилма контакт потенциаллар фарқи (КПФ-КРП) ва тўла ток усулида, Оже-спектрометрия ва масс-спектрометрия методлари билан тадқиқ қилишга имкон беради. Масс-спектрометр МХ-7304 анализатор намунага 6-10 мм масофада ўрнатилган. Шунингдек, намуна температураси ВР5/20 терможуфтлиги ёрдамида ўлчаниб, микропирометр ёрдамида назорат қилинди. Қурилма берилган температурада ва кислород босимида намуналарни оксидлашга имкон беради. Шу жумладан, Ва-Ti – таблеткалари барий манбалари бўлиб хизмат қилди, унинг температураси ҳам терможуфтлар ёрдамида ўлчанди.

Шунингдек, Оже-спектрометрнинг тузилиши, унинг параметрлари ҳамда имкониятлари баён қилинган. Юзадаги атомлар концентрацияси Чанг усулида 0,01 моноқатлам даражасида аниқланди. Қаттиқ жисм намуналари юзаси вакуумда термик қиздириш ҳамда қисқа вақтли оксидлаш, сўнгра термик қиздириш орқали тозаланди ва юза таркиби ОЭС ёрдамида назорат қилинди. Коллектор системаси Фарадей цилиндри бўлиб, унинг ичига вольфрам симли катод ўрнатилган. У электрон пушка сифатида КПФ усулида чиқиш ишини ўлчашга имкон беради.

Эксперимент намуналари тажрибада ишлатилган намуналар Россия Металургия институтида тайёрланган бўлиб, унинг юзаси стандарт технология асосида силлиқланиб, кимёвий ёки ионли емириш орқали сайқалланган.

Тадқиқот қилишга мўлжалланган металлар: Ti, Zr ва Hf ҳамда уларнинг хусусиятлари таққослаш учун қўлланилган поликристалл W ва ниобий, W(110) лар оксидларининг термостабиллиги адабиётлардан таҳлилий ўрганилиб, улардан энг термостабил оксид ҳосил қиладиган металлар Ti, Zr ва Hf эканлиги аниқланди. Бу металлар термостабиллиги юқори бўлган ҳажмий субоксидлар Me_3O ва Me_6O ҳосил қилиши аниқланди. Кислород атомининг ГЗЖ панжара ичига жойлашиши оксиднинг термостабиллигини таъминлаши билан биргаликда унинг барий атомларининг адсорбциясига кучсиз таъсири бўлиши мумкинлиги аён бўлди. Шунинг учун ҳам бу металлардан термокатодлар юзасида антиэмиссион пардалар олиш имконияти пайдо бўлди.

Диссертациянинг «**Гафний ёки цирконий атомлари ва пардаларининг Me-Ba ва Me-O-Ba системасининг эмиссион хоссаларига таъсири»** деб номланган учинчи боби гафний ёки цирконийнинг наноқалинликдаги пардаларини антиэмиссион материал сифатида қўллаш имкониятини аниқлашга бағишланган.


Барий атомлари оқимида оксидланган гафний, цирконий, титан ва ниобийнинг термоэмиссион хоссалари баён қилинган. Таққослаш учун яна ниобий поликристали намуналари ҳам текширилди, чунки унинг чиқиш иши Hf, Zr ва Ti нинг чиқиш ишларига яқин, бироқ кристалл панжара структураси

бошқача, ҲМК (ОЦК). Бу структуралар барий атомлари адсорбцияси механизмидаги ролини ва кислороднинг металл-кислород-барий (Me-O-Ba) тизимини ҳосил бўлишидаги ролини аниқлашга имкон беради.

Система газсизлантирилгандан кейин намуналарни вакуумда $(1\text{-}5)\cdot10^{-9}$ Тор юқори температурали қиздиришлар билан сиртнинг тозалик даражаси ОЭС усулида назорат қилиб борилди. Сиртдан кислород, углерод ва бошқа киришмалар Оже-чўққисининг йўқолишига эришилгач, тўла ток усули билан намунанинг чиқиш иши аниқланди. Гафний чиқиш ишининг аниқланган қийматлари 3,95±0,05 эВ, цирконийники 3,85±0,05 эВ, титанники 4,05±0,05 эВ ва ниобийники 4,0±0,05 эВ ни, ташкил этди. Ушбу маълумотлар бошқа адабиётлар маълумотлари билан мос тушади.

Шундан кейин намуна температуралари 1000, 1100, 1200 К бўлганида Zr, Hf, Ti ва Nb сиртларида барий атомлари адсорбциялари эгри чизиқлари олинди. Тизим чиқиш ишининг минимал қиймати аниқланиб, у Т=1000 К да Ti-Ba тизими учун $\varphi_{мин}$=2,35±0,5 эВ ни, Hf-Ba учун $\varphi_{мин}$=2,38±0,5 эВ ни, Zr-Ba учун $\varphi_{мин}$=2,36±0,5 эВ ни, Nb-Ba учун эса $\varphi_{мин}$=2,35±0,5 эВ ни ташкил этди. Ушбу маълумотлар адабиётлардаги маълумотлар билан яхши мос келади. Тагликнинг чиқиш иши бир-биридан кам фарқ қилгани ва 3,85-4,05 эВ интервалида ётганлигидан, Me-Ba тизими чиқиш ишининг минимал қийматини унча катта бўлмаган фарқини Ленгмюр модели билан тушунтириш мумкин. Бироқ шуни қайд қилиш керакки, ушбу қийматлар ҳам таглик структурасига боғлиқ ҳолда кучсиз фарқланади, чунки Nb ҲМК (ОЦК) стру

ктурага эга бўлганида Zr, Hf, Ti лар ГЗЖ (ГПУ) структурага эгадир. Оксидланиш босими $(1\text{-}5)\cdot10^{-6}$ Тор бўлган кислород атмосферасида ва намуна температураси Т=1000 К бўлганида 30 мин. давомида ўтказилди. Эмиссион хоссаларни таққослаш учун барий атомлари оқимида ушбу оксидланган металлар Ti, Zr, Hf, Nb ва W учун S-симон эгри чизиқлари олинди. Ушбу боғлиқликлардан Me-O-Ba тизим чиқиш ишининг температурага боғлиқлиги графиклари келтирилган (1-расм). Ушбу маълумотларни таққослаб қилинган таҳлиллар оксидланган цирконий ва гафний сиртларида барий атомларининг нисбатан кучсиз адсорбциялари ҳақида хулосани тасдиқлаш имконини берди. Металл-ғовак катодлар чиқиш ишининг температуравий мароми (режими)да Hf-O-Ba ва Zr-O-Ba тизимларининг чиқиш ишлари қийматлари 3,10-3,20 эВ ни ташкил этиб, бу ушбу термокатодлар чиқиш ишига қараганда ~1эВ га юқоридир. Бу




1-расм. Барий атомлари оқимида Т=1000 К да оксидланган Hf (■ ■ ■), Zr (● ● ●), Ti (▲▲▲), W (▼▼▼) ва Nb (◆◆◆) лар чиқиш ишининг температурага боғлиқлиги.

гафний ёки цирконийли антиэмиссион қопламали эмиссия токи зичлиги қопланмаган сирти катод эмиссияси зичлигига қараганида ~10^4 марта кам эканлигини билдириб, бу антиэмиссион материалларга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради.

Оксидланиш гафний ва цирконийда барий атомларининг ниобий ва вольфрамга қараганда нисбатан кучсиз адсорбциясини, барий атомлари оқимида цирконий ва гафнийнинг эмиссион ва адсорбцион хоссаларига кислороднинг таъсирини классик тасаввурлар билан тушунтириб бўлмайди. Бироқ, экспериментлар натижаларининг кўрсатишича, Me-O-Ba тизимининг термоэмиссион эффективлиги кучли фарқланади ва у таглик – металлнинг кристалл панжараси структурасига боғлиқ.

Кристалл панжараси ГЗЖ бўлган Hf, Zr, Ti туридаги металлар оксидланишида Me_3O ва Me_6O турдаги ГЗЖ панжарада ҳажмий субоксидлар ҳосил бўлади.

ГЗЖ панжара ҳажмидаги кислород атомлари анча мустаҳкам кимёвий боғ ҳосил қилади, натижада Me_6O ва Me_3O туридаги субоксидлар ҳосил бўлади. Бунда кислород атомлари Zr ва Hf панжара ҳажмида бўлганидан атомларнинг адсорбентлар билан ўзаро таъсир кучини унчалик сезиларли оширмайди. Бунда Me-Ba диполь моменти қиймати ҳам, ГЗЖ кристалл панжарали металлар сиртидаги адсорбцияланган атомларнинг адсорбция иссиқликлари ҳам унчалик сезиларли ўзгармайди. ҲМК-панжарали ниобий ва вольфрамнинг оксидланишида уч ўлчамли – «ҳажмий» субоксидлар ҳосил бўлмайди ва кислород атомлари металл сиртида бўлади, Me-O-Ba тизимида диполь моментини анча ошириши мумкин ва, албатта, бу унинг чиқиш ишини камайтиради. Юқорида баён этилган концепция К.А.Турсунметов ва Э.З. Имомов ишлаб чиққан Me-O-Ba эмиссион тизим моделида ўз аксини топган. W-Ba, W-O-Ba системаларида антиэмиссион материал сифатида гафнийни қўллаш имконини аниқлаш мақсадида барий атоми оқимида тоза ва оксидланган W(110)-Hf тизимнинг термоэмиссион хоссалари текширилди.



2-расм. Барий атомлари оқимида W (110) нинг чиқиш ишининг ўзгариши.


2- расмда тоза (1-эгри чизиқ), 1000 К да оксидланган (2-эгри чизиқ), гафний монoқатлами билан қопланган (3-эгри чизиқ), олдиндан оксидланган W(110) ва гафний атомлари монoқатлами билан қопланган (4-эгри чизиқ) ҳамда гафний атомлари монoқатлами билан олдиндан қопланган ва T=1000 К да оксидланган (5-эгри чизиқ) W(110)нинг барий атомлари оқимидаги чиқиш ишининг вақтга боғлиқлиги келтирилган.

Натижалардан кўриниб турибдики, гафний атомларининг мавжудлиги W-Ba тизими чиқиш ишини ~0,20эВ га, W-O-Ba тизими чиқиш ишини эса ~0,40 эВ га оширар экан.

Вольфрам сиртида гафний атомларининг мавжудлиги барий атомлари адсорбциясини сусайтиради ва яна W-O-Ba тизимида кислороднинг ролини ҳам сусайтиради. Гафний атомларининг нисбатан кислород фаоллиги, W-O-Ba тизимининг чиқиш ишини пасайтирувчи иккиталик қутбланган қатлам ҳосил бўлиш жараёнига сезиларли таъсир этар экан. Бу асос эса гафний пардаларини антиэмиссион материал сифатида тавсия этишга имкон беради. Шунинг учун К.А.Турсунметов томонидан гафний атомлари пардали ғовак-вольфрам катод (FMK) текширилган. FMK сиртида ионли пуркаш усули билан ~ 20 мкм қалинликдаги гафний атомлари пардаси ҳосил қилинган. Шундан сўнг ион нурли технология билан гафний пардасининг айрим соҳалари катод юзасидан олиб ташланган.

Гафний пардаси билан қопланган соҳаларида эмиссион ток зичлиги гафний билан қопланмаган катод соҳасидагига қараганда 2000–2500 марта кичик бўлган, аммо бундай қалин парда билан қоплаш узоқ муддатли жараённи талаб қилади. Шунингдек, қалин (10 мкм ≤) пардада конфигурация чегараларини аниқ геометрик шаклга келтириш муаммо бўлиб қолди. Шу жумладан, микроўлчамдаги электрон дасталарини олиш, уларнинг бирлик юзадан олинадиган сонини ошириш имкониятлари чегараланган. Шу сабабли, наноқатламли антиэмиссион пардаларни олиш ва унинг физик принципларини ишлаб чиқиш талаб қилинди.

3-расмда гафний-барий системаси чиқиш иши юзанинг қопланиш даражаси (θ)га боғлиқлигини назарий ҳисобланган ва 1000 К да экспериментал олинган графиклари келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики, тизим чиқиш ишининг боғлиқлиги қопланиш даражаси $\theta \approx 0{,}5$ гача чизиқли бўлиб, минимумга $\theta \approx 0.67$ да эришади ва $2{,}26 \pm 0{,}037$ эВ ни ташкил этади. Hf-Ba тизими чиқиш иши $\varphi = \varphi(\theta)$ нинг ўзгаришини чизиқли қисми $\Delta\varphi = 4\pi np$ формула бўйича аниқланди.



3-расм. Hf-Ba системаси чиқиш ишининг қопланиш даражаси (θ) боғланиши:
1-экспериментал,
2-назарий боғланиш.

Бу ерда n – адсорбцияланган атомлар концентрацияси, p-Hf-Ba тизимининг диполь моменти.

Тизим чиқиш ишининг қиймати $\varphi = \varphi_{\text{м}} - V_s(\theta)$ кўринишда ифода этилган, бу ерда $\varphi_{\text{м}}$ – металларнинг чиқиш иши, $V_s(\theta)$ сирт потенциали камайишини кўрсатувчи ва фақат қопланиш даражасининг функцияси бўлган потенциалдир. Ушбу услубдан фойдаланган ҳолда, Hf-Ba тизими чиқиш ишининг θ га боғланишини ҳисоблаш методикаси келтирилди. Бунинг учун поликристалл гафний сиртида барийнинг адсорбцияланган атомлари модели кўриб чиқилди. Бу кўрилган сирт структураси ГЗЖ панжарали монокристалнинг (1000) қирраси структурасига мос келади. Ba нинг Hf сиртидаги Оже-спектрида энергия бўйича силжиш баҳолашларига биноан, W-Ba тизимида Ba атомларида W га заряд кўчиши $\approx 1{,}1e$ ни ташкил этади, Hf-Ba тизими учун эса бу қиймат 0,96 e га тенг, яъни барий атомлари зарядини тахминан 1 e га тенг деб ҳисоблаш мумкин.


Катта масофаларда – 4 та қўшни атомлар масофасидан катта масофаларда ионлар жойлашувининг дискрет характери деярли қийматга эга эмас. Шунинг учун марказий иондан тўртинчи тартибли қўшнигача масофа, яъни марказий ион ва унинг 30 та яқин қўшниси жойлашган ячейка радиуслари аниқланди. Сирт потенциали камайишини, демак, тизимнинг электрон чиқиш ишини камайишини кўрсатувчи Гельмгольц муносабати ҳисобланади $V_S = 0{,}75V_C\theta^{1/2}$. Тадқиқотда $V_C \approx 3{,}25\ eV.$ ифодасига асосланилди. Агар атомлар оқимида қопланиш даражасига боғлиқ бўлган гафний чиқиш ишининг камайишини кўрсатувчи тенглама тузилса: $\varphi = \varphi_M - 0{,}75V_C\theta^{1/2}$ ва графиги чизилса (3-расм), у ҳолда гафний сиртининг барий атомлари билан тўлдирилиш даражаси $\theta \leq 0{,}5$ гача бу боғлиқлик экспериментал маълумотлар билан яхши мос келади, бироқ зичроқ қопланишлар ($\theta \geq 0{,}5$)да диполь тизимлар ўзаро таъсири ҳам ошади, бу эса диполларнинг декутбланишларига олиб келади ва албатта, сирт потенциали камаяди, демак, тизим электрон чиқиш иши минимумининг ўзгаришига олиб келади.

Диполларнинг ўзаро таъсирлашув энергиясининг ўзгариши $\approx 0{,}29$ эВ ни ташкил этишини ҳамда адатомлар (ионлар) электростатик ўзаро таъсирининг фридел ташкил этувчиси ишқорий-ер адатомлари учун ўзаро таъсир энергияси 0,1 эВ ни ташкил этишини ҳисобга олсак, у ҳолда тизим чиқиш ишининг қопланиш даражасига боғлиқлигини ҳеч қандай қарама-қаршиликларсиз тушунтириш мумкинлиги кўрсатилди.

Цирконий пардаларининг W ва W-губка юзасидаги термостабиллиги ва цирконий ҳамда гафний атомларининг буғланиш тезлиги ўрганилди. Унда цирконий пардасининг термостабиллиги ОЭС усули билан ҳамда W(110) монокристали ва вольфрамли губка сиртларидаги эмиссион токнинг ўзгариши асосида ўрганилди.

$W(110) - Zr$ - тизимининг чиқиш ишини минимал қиймати $3{,}70 \pm 0{,}05$эВ ни ташкил этиб, унинг 1,5-2 цирконий моноқатлами учун қиймати $3{,}75 \pm 0{,}05$эВ ни ташкил этади. Вольфрам губка – цирконий тизими чиқиш ишининг минимал қиймати $3{,}65 \pm 0{,}05$эВ бўлиб, 1,5-2 цирконий моноқатламли тизими учун эса $3{,}70 \pm 0{,}05$эВ ни ташкил этди. Т≤1300 К да

олдиндан тозаланган вольфрам монокристаллига қалинлиги ≈1,5 моноқатлам бўлгунча цирконий атомлари адсорбция эгри чизиғи олиб турилиб пуркалди, тизим чиқиш ишининг ўзгариши тўла ток усули ва КПФ усули билан ўлчанди. Шундан кейин, 1100К-2000К температураларда, ҳар бир температура қийматида 10 минут давомида вакуумда тизим қиздириб борилди ва ҳар 100 К оралиғида эмиссия токи ва сирт элементларининг Оже-чўққиси интенсивликлари ўлчаб турилди. 4-расмда цирконийнинг 1,5 моноқатлами билан қопланган вольфрамли губка сиртида цирконий Оже-чўққиларининг нисбий камайишини температурага боғлиқлиги келтирилган. W(110) сиртида цирконий Оже-чўққининг нисбий ўзгариши $(\lg A/A_0)$нинг температурага боғлиқлиги 1-эгри чизиқда тасвирланган. Ушбу маълумотлар асосида Оже-чўққининг нисбий камайиши $(\lg \Delta A/A_0)$нинг $10^4/T,K$ га боғлиқлик графиги чизилган. Бунда цирконий Оже-чўққиси интенсивлигининг нисбий камайиши вольфрам сиртидаги цирконий атомлари концентрациясининг камайишини характерлайди. Таққослаш учун 4-расм (3-эгри чизиқ)да цирконийнинг 1,5 моноқатлами билан қопланган вольфрам-губка сиртида цирконий Оже-чўққисининг нисбий камайишининг температурага боғлиқлиги келтирилган. Ушбу боғлиқликларнинг паст температурали қисми асосан цирконий атомларининг вольфрам сиртидаги миграцияси билан тушунтирилади, бунда цирконий атомининг икки ва уч ўлчамли оролчалари ҳосил бўлади. Бундай қонуният молибден-цирконий тизими учун В.А.Шредник томонидан кузатилган. Бундай қонуният бизнинг экспериментларимизда ҳам кузатилди, унда W (110) сиртида цирконий атомларининг миграция иссиқлиги ~0,15 эВ ни ташкил этди, бироқ паст температураларда вольфрам-губка сиртида цирконий Оже-чўққисининг интенсивроқ камайиши кузатилди, бу эса цирконий атомларининг губка ғовакларига миграцияси билан боғлиқ. Бундан пардали тизимлар сирт эмиссион хоссаларини, сиртдаги парда атомлари Оже-чўққиларининг интенсивлиги билан характерлаш мумкинлиги келиб чиқди.



4-расм. W(110) ва вольфрам губка сиртида цирконий Оже-чўққилари интенсивлигининг нисбий ўзгаришлари; 1– W(110) сиртидаги нисбий ўзгариши; 2– W(110) сиртидаги нисбий камайиши; 3–W губка сиртидаги нисбий камайиши; 4– W(110)-Zr тизим чиқиш ишининг ўзгариши.

Шундай қилиб, вольфрам сиртидаги цирконийнинг юпқа пардалари Т=1300 – 1350К гача термостабилдир, бироқ металл-ғовак катодлар сиртида

антиэмиссион қопламалар ишлаб чиқишда цирконий атомларининг вольфрамли губка ғовакларига миграцияси жараёнини ҳисобга олиш керак.

Гафний ва цирконий пардаларининг термостабиллигини ўрганиш жараёнида бу металлар атомларининг W(110) сиртидаги буғланиш тезликларини аниқлаш усули таклиф қилинди. Қопланиш даражаси $\theta < 1$ да цирконий қатламини ҳосил қилиб, n_1 цирконий концентрациясига мос келувчи $e\varphi$ - чиқиш иши аниқланди, сўнгра система танланган (1300÷2000) К температурада қиздирилди. Ундан кейин Δt вақт ичида система температура хона температурасигача туширилди ва цирконийнинг сиртий концентрацияси n_1 га мос келувчи чиқиш иши аниқланди. $\varphi(n)$ боғланиш графигида Δn цирконий концентрациясининг Δt вақт ичида ўзгаришини аниқлаб, қаралаётган қиздириш температураси учун цирконий атомларининг буғланиш тезликлари аниқланди.

Бу графиклардан маълум бўлдики, W(110) сиртидан буғланиш иссиқликлари гафний атомлари учун 6,80±0,05 эВ ни, цирконий атомлари учун 6,25±0,05 эВ ни ташкил қилди ва улар адабиётларда келтирилган катталиклар билан етарлича аниқликда мос тушди.

Шундай қилиб, сиртдан гафний ва цирконий атомларининг буғланиш тезликларини эмиссион усулда аниқлаш мумкин экан. Бу катталиклардан фойдаланган ҳолда мазкур металлар антиэмиссион юпқа пардалари билан қопланган кўп нурли ўта юқори частота(СВЧ)ли асбобларнинг иш режимини аниқлаш ҳамда системаларнинг ишлаш муддатларини баҳолаш мумкин экан.

Молибден сиртида барий компоненталарнинг миграцияси жараёни ўрганилди. Тадқиқотлар учун эмиссион тизим коаксиал цилиндрдан иборат бўлиб, унинг 6 мм ли диаметри марказида металл-ғовак катод жойлашган ва унинг атрофида молибдендан ясалган коаксиал цилиндр бўлиб, унинг сирти стандарт технология бўйича сайқалланган. Тизимнинг ташқи диаметри 20 мм ни ташкил этади. Тадқиқотлар юқори вакуумли эмиссион микроскопда олиб борилди. Электрон микроскоп тасвирни 2000 марта катталаштирди, бу эмиссион тасвирни 1 мкм катталикда ажратиш қобилияти билан кузатиш имконини берди.

Олинган миқдорий натижалар молибден юзаси бўйича Ва-компоненталари миграцияси жараёнининг эмиссион манзарасини кузатиш натижалари қуйидаги хулосаларни қилишга имкон берди:

температура ошиши билан миграция узунлигининг максимал қиймати ва интенсивлиги ошади. Бошқа томондан, бунда буғланиш жараёни кучайиб, унга мос ҳолда адатомларнинг яшаш вақти камаяди, шунинг учун Ва – компоненталари миграцияси узунлигининг температурага боғлиқлиги намуна температураси 1460–1480 К да максимумга эга;

кислород босимининг ошиши билан Ва-компоненталари миграция узунлигининг боғлиқлигидаги максимум юқори температурлар томонга силжийди;

кислород атомлари иштирокида Ва-компонентaлари миграцияси жараёнининг секинлашуви, молибдендаги Ва- компонентaлари адатомлари адсорбция иссиқликлигининг қийматини ошиши билан боғлиқ.


